



“26” октябрь 2020 й. № 01-06/3066

**Оммавий ахборот воситалари,
ташқи реклама объектлари
(конструкциялари эгалари),
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишларда оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйилаётганлиги кузатилмоқда.

Хусусан, **интернет, мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи операторлар, суғурта компаниялари ва тижорат банклари томонидан кўратиладиган хизматлар рекламаларида** хизмат пуллик эканлиги, уни қиймати, фойдаланиш шартлари, автоматик равишда фаолашиши, банк омонат ставкалари, муддатлари, минимал талаб миқдори тўғрисидаги маълумотлар ўқиб ва англаб бўлмайдиган шрифтда, қисқартирилган тарзда, муҳим маълумотлар яширилган ҳолатда берилмоқда.

Ўз наватида бундай ҳолатлар, истеъмолчиларнинг маълумот олишга бўлган ҳуқуқлари бузилишига ва ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

“Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шартлиги белгиланган.

“Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, қонунийлик, аниқлик, ишонччилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир. Ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (13-модда).

Юқоридагиларга асосан, реклама бозори субъектларидан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиниши сўралади ҳамда рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган ҳолатларга олдини олиш мақсадида, рекламаларда иш, хизматлар тўғрисидаги муҳим маълумотлар осон ўқиладиган, аниқ-равшан, фонга нисбатан аниқ гаммада бўлиши, шрифт ва ёзувлар майда кўринишда бўлмаслиги тавсия этилади.

Директор



Э.Хаитметов